

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ



КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Олий ва ўрта махсус
таълим вазири

"КИРИТДИ"

Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институтининг ректори

И.У.Маджидов
2020 й.




Н.Б.Сайфуллаев
2020 й.

**АМАЛИЙ САНЪАТ: ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
“КОМПОЗИЦИЯ” ФАНИНИНГ КАСБИЙ (ИЖОДИЙ) ИМТИҲОН
ДАСТУРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

(Мазкур дастур турдош ОТМ лардаги мавжуд таълим йўналишлар учун ишлаб чиқилган)

5151200- Амалий санъат: турлари бўйича

5151201- Амалий санъат: бадиий кулолчилик

5151203- Амалий санъат: амалий санъат асарларини таъмирлаш

5111000- Профессional таълим: (йўналишлар бўйича)

5111001-Профессional таълим: амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш)

ТОШКЕНТ - 2020 й.

Дастур Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув услубий Кенгашининг 2020 йил 21 апрелдаги 8-сонли мажлис баёнида кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Тузувчи:

МРДИ Бадиий кулол ва таъмирлаш
кафедраси профессори, тарих фанлари
доктори А.Абдураззақов

Такризчилар:

Тошкент архитектура ва қурилиш
институти архитектура фанлари доктори,
профессор Д.А.Назилов,

МРДИ Бадиий кулол ва таъмирлаш
кафедраси мудири Д.Т.Хайтметов

КИРИШ

Мазкур дастурда 5151203 – Амалий санъат: амалий санъат асарларини таъмирлаш, 5151201 – Амалий санъат: бадиий кулолчилик, 5111001 – Профессионал таълим: амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш) таълим йўналишлари ўқитиладиган фанларнинг долзарблиги, жамиятни демократлаштириш ва бозор иқтисодиёти томойиллари асосида ислоҳ қилишдаги аҳамияти ва ўрни очиб берилади.

“Композиция” фани бўйича тузилган ушбу синов дастур мезонларининг мураккаблигига қўйиладиган талаблар асосан республика ихтисослаштирилган санъат мактаб интернатлари, маданият ва санъат коллежларида ўқитиладиган йўналишлар бўйича Давлат таълим стандартлари (ДТС) ва дастурларида белгиланган вазифаларни қамраб олади.

Республикамизда бадиий таълим соҳасида ислоҳатларини янада чуқурлаштириш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида, уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантириш, шунингдек, анъанавий ва ҳозирги замонга мос мавзуларга бағишланган композицияларни яратиш кўзда тутилган.

1. Абитуриент билимига қўйиладиган талаблар

Композиция фанидан абитуриент топшириқни турли геометрик (доира, тўртбурчак, учбурчак, тўғри тўртбурчак, олтибурчак) шакллардан тузилган нақшни қоғозга тўғри жойлаштириш, асарнинг композицион ғоявий мазмуни, бадиий ва ғоявий ифодада ранглардан тўғри фойдаланиш, геометрик шакллардан тузилган нақшни тўғри топилганлиги, амалий санъат мутахассислигига мослиги, композиция марказининг тўғри топилганлиги, мавзунинг мазмуни, маъноси ҳамда ранглар уйғунлиги, ишланиш маҳорати ва унинг тўғалланиш даражасида маҳорат билан ечилганлиги ва тугатилиш даражаси талаб этилади.

Абитуриентлар топшириқни хажми 40x60 бўлган планшетга бажаради. 2020/2021 ўқув йили қабулида дастурда 5151203 – Амалий санъат: амалий санъат асарларини таъмирлаш, 5151201 – Амалий санъат: бадиий кулолчилик, 5111001 – Профессионал таълим: амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш) таълим йўналишлари бўйича кундузги ва сиртки таълим шаклига ўқишга кирувчи абитуриентлар касбий (ижодий) имтиҳонларни қуйидаги фан бўйича топширади.

“Композиция” фани 189 балл

Фанининг номи	Топшириқлар	Берилган вақт
Композиция	Берилган мавзу	Икки жуфтлик (160 дақиқа)

Абитуриент топшириқни, ашёда ишлашни эркин танлайди.

2. Касбий (ижодий) имтиҳонда абитуриент томонидан бажарилган амалий иш қуйидаги мезон асосида баҳоланади.

№	Саволлар мазмуни	Тўлиқ бажарилгандаги максимал балл
1.	Тузилган композицияни қоғозга тўғри жойлаштириш	9 баллгача
2.	Композиция ғояси	10 баллгача
3.	Композиция мазмуни ва моҳияти	10 баллгача
4.	Композицияни мутахассисликка хослиги	10 баллгача
5.	Композициянинг қонуниятларидан фойдаланиш	10 баллгача
6.	Асарнинг композицион ечими	10 баллгача
7.	Композицияда безаклардан тўғри фойдаланганлиги	10 баллгача
8.	Асарнинг композицион аҳамияти	10 баллгача
9.	Бадиий ва ғоявий ифодаси	10 баллгача
10.	Ранглардан тўғри фойдаланиш	10 баллгача
11.	Композицияни тўғри топилганлиги	10 баллгача
12.	Ранглардан фойдаланиш маҳорати	10 баллгача
13.	Композиция марказининг тўғри топилганлиги	10 баллгача
14.	Композицияни мураккаблик даражаси	10 баллгача
15.	Ранглар уйғунлиги	10 баллгача
16.	Композицияни ишланиш маҳорати	10 баллгача
17.	Композициядаги элементларнинг бир-бирига мутаносиблиги	10 баллгача
18.	Композицияни пардозлаш	10 баллгача
19.	Композицияни тугалланиш даражаси	10 баллгача
Жами		189 балл

2. Касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш тартиби

5151203 – Амалий санъат: амалий санъат асарларини таъмирлаш, 5151201 – Амалий санъат: бадий кулолчилик, 5151202 – Амалий санъат: меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш, 5111001 – Профессional таълим: амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш) таълим йўналишларининг кундузги ва сиртқи таълим шаклига ҳужжат топширган абитуриентлар жадвал асосида белгиланган кунларда икки жуфтлик вақт давомида композициядан берилган мавзу асосида бажаради. Қабул комиссияси томонидан шакллантирилган гуруҳлар кесимида касбий (ижодий) имтиҳон махсус жиҳозланган аудиторияларда ўтказилади. Абитуриентлар махсус текширувдан ўтказилиб, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда бино ва аудиторияларга киритилади. Аудиторияларда абитуриентлар орасидаги оралиқ масофа 2 метрдан кам бўлмаган ҳолатда жойлаштирилади.

3. Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалар бўйича апелляция тартиби

Абитуриентлар томонидан касбий (ижодий) имтиҳон натижалари бўйича институт қабул комиссиясининг апелляциялар билан ишлаш комиссиясига натижалар эълон қилинган кундан бошлаб касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (апелляция) аризалари институт қабул комиссияси томонидан 24 соат давомида кўриб чиқилади.

Асос: Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 июлдаги 588-сон қарорининг иловасида келтирилган “Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул қилиш тартиби тўғрисида” ги НИЗОМИ